Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 190 (6. 679) ◉ 1988 йил 22 август, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◉ 1988 йил 20 августда Эрон-Ироқ фронтида ўқ отишни тўхтатиш кучга кирди. Шу муносабат билан бугун газеталарда Совет ҳукуматининг баёноти эълон қилинган.

◉ «Газетхонларнинг мунозара минбари» — «Правда» газетасининг бугунги иккинчи саҳифаси ана шу умумий сарлавҳа остида берилган. Саҳифадан турли мавзуларга доир мактублар, фикрлар, мулоҳазалар ўрин олган.

◉ «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасида берилган «Соцнал соҳа: қайта қуриш устунликлари» сарлавҳали мақолада КПСС Марказий Комитети секретари О. Д. Баклановнинг Пермь области меҳнаткашлари билан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилинади.

◉ КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида коммунист этикаси ҳақида қизғин, атрофлича суҳбат бўлиб ўтди. Шу муносабат билан партия аъзосининг этикаси ҳақида 20-йиллардаги мунозара материалларни биз учун катта қизиқиш уйғотади. Бугун «Правда» газетасининг тўртинчи саҳифасида берилган «Партия аъзосининг этикаси» сарлавҳали мақолада СССР Фанлар академияси Фалсафа институти этика секторининг мудири, профессор А. Гусейнов билан суҳбатда ана шу мунозарадан олинган сабоқлар ҳақида, унинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

◉ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

◉ Дастлабки 150 нафар филиппинлик «Ядро қуролидан холи ҳаёт учун» мурожаатномаси тагига имзо чекиб, Филиппин тупроғини оммавий қирғин қуролидан тозалаш учун умуммиллий кампанияни бошлаб берди. Машҳур «Глоб» газетаси ўтказаётган жамоатчилик фикрини сўраб билишнинг оралиқ натижалари филиппинликларнинг снёсий онги ошиб бораётганлигидан далолат беради. Газета эълон қилган анкета саволларига ўз жавобларини йўллаган филиппинликларнинг 50 процентдан зиёдроғи мамлакатдаги АҚШ ҳарбий базалари сўзсиз тугатилишини ёқлаб фикр билдирганлар.

◉ Пиночет режимига қарши Сантьягода бўлиб ўтган норозилик намойишида 50 мингдан зиёд киши иштирок этди. Ёшлар ташкилотларининг даъватига биноан мамлакатнинг 16 снёсий партияси ташкил этган ана шу намойиш аксарият чилиликларнинг диктаторлик режимини бўлажак плебисцитда «қонунийлаштиришга» бўлган барча уринишларни барбод этишга қатъий аҳд қилганликларидан далолат беради.

◉ БОНН. ГФР ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер қуролсизланишни давом эттириш ва Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деб маълум қилди.

СССРнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги янги иқтисодий йўли Ғарб—Шарқ муносабатлари соҳаларида туб ўзгаришларга эришиш имкониятини берди, дейди у «Вельтам зонтаг» газетасига берган интервьюсида.

◉ Италиянинг шимолидаги Трентино-Альто-Адиже областида ҳаракат қилаётган турли группаларга мансуб миллатчилар ўртасидаги тўқнашувлар аста-секин «яширин динамит уруши» характерини касб этиб бормоқда. Навбатдаги портлаш, деб хабар берди кеча ахборот агентликлари, Мерано районида юз берди. Террорчилар кўлбола бомбани область аҳолисининг немис тилида гаплашувчи намояндалари аъзо бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативининг насос станцияси двигатели остига қўйишган экан. Областда вужудга келган ўта кескин вазиятни эътиборга олиб, Италия президенти Франческо Коссига ўзининг кечаги кунга режалаштирган Меранога сафарини бекор қилди. Кунигеча маҳаллий «Альто Адиже» газетаси редакциясида Ф. Коссига адресига дўқ-пўписалар билдирилган мактуб олинган эди.

◉ Кеча эрталаб кучли ер ости силкинишлари Ҳиндистоннинг Непал билан чегара районидаги кенг территорияни ларзага солди. Зилзила маркази Бихар штатининг шимолий қисмида жойлашган. Дастлабки маълумотларга қараганда Бихардаги Дарбханг ва Мадхубани округлари ва Непалнинг жанубий-шарқий районлари, шу жумладан тоғли қироллиқнинг пойтахти жойлашган Катмандунинг чуқур воҳаси айниқса жиддий шикастланган.

◉ ВАРШАВА. Польшада давлат корхоналарини халқ кенгашлари ихтиёрига топшириш давом этмоқда. Бу иш халқ хўжалигининг бутун системасини қайта қуриш доирасида амалга оширилмоқда. 1 апрелдан буён фақат қишлоқ хўжалик министрлигининг ўзи шаҳар маъмурлари тасарруфига асосан деҳқонларни ўғит, машиналар, қишлоқ хўжалик асбоблари билан таъминловчи 219 та корхонани топширди. Бу жараён ҳамма жойда силлиқ ўтаётгани йўқ. Раҳбарлар янги юқори ташкилот мустақилликни чеклаб қўймаслиги, уларнинг фаолиятига ҳаддан ташқари раҳбарлик қилишни ҳоҳлаб қолмайдими, деб хавфсирамоқдалар. Дастлабки пайтда Варшавадаги министрликларда эмас, балки корхонанинг ёнида жойлашган ва исталган вақтда ёрдамга кела оладиган, ёмон ишни танқид қила оладиган янги хўжайинларга кўникиш жуда қийин бўлмоқда. Ҳозирча барча масалалар ҳал қилингани йўқ, ўзаро имкониятларни, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини ўрганиш жараёни давом этмоқда.

◉ БОНН. Британия ҳарбий-ҳаво кучларининг «Харриер» самолётни Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасидаги Гютерсло ҳарбий аэродромига қўниш чоғида қулаб тушди. Учувчи катапульта ёрдамида сақрашга муваффақ бўлди. НАТО мамлакатлари ҳарбий самолётлари фалокати ва авариясининг кўпайганлиги ГФР аҳолисини жиддий ташвишга солмоқда.

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

Долзарб мавзу

Шартнома мажбуриятлари қандай бажарилмоқда?

Шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажариш, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, ҳозир масалаларнинг масаласи ҳисобланади. Нега деганимизда янги хўжалик механизмининг муваффақиятли ишлаши шуни талаб қилади. Бу ўринда буюртмачи билан таъминотчи ўртасидаги узвий алоқанинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ортиқча. Бири иккинчисисиз ўз фаолиятини тасаввур ҳам эта олмайди. Шаҳримизда 146 та корхона шартнома мажбуриятлари асосида иш кўрмоқда. Шулар орасида энг кўпи Ҳамза, Собир Раҳимов, Куйбишев ва бошқа районлардадир. Ҳамза районида 25 та корхона коллективи шартнома мажбуриятларини ўз зиммаларига олиб ишламоқдалар. Собир Раҳимов районида эса 20 та корхона шартнома мажбуриятлари бўйича маҳсулот етказиб бераётир.

Янгича шароитда бунинг аҳамияти беқиёс ошганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини бажара бориб, шаҳар корхоналарининг партия ташкилотлари ва маъмурияти муайян ишларни амалга оширдилар. Партия ташкилотлари ва маъмурият бирлигида тадбирлар ишлаб чиқишди. Қисқаси, ташкилотчилик ва снёсий ишлар самараси тобора яққолроқ сезилмоқда.

Бироқ бу борада эришилган ютуқларни камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, ҳали тўла муваффақиятга эришилгани ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу йилнинг биринчи ярмида шаҳар бўйича шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш плани 98,5 процент адо этилди, холос. Районлар ўртасида фақат Ҳамза, Киров ва Чилонзор районларининг саноат корхоналари коллективларигина бу борада ўз ваъдаларига вафо қилдилар. Акмал Икромов, Сергели ва Октябрь районлари саноат корхоналари меҳнат коллективлари ҳам деярли «галаба нашидаси»ни тортиш арафасида эдилару, аммо айрим корхоналар уларга панд бериб қўйди — ишончни оқламади. Ярим йилликда Куйбишев, Ленин районлари ҳам отни етарли даражада қамчиламагани ачинарлидир.

Хўш, бу районларга кимлар панд берганликларини энди ошкора айтиб қўя қолайлик. (Ахир, ҳозир ошкоралик ва демократия даврику).

Акмал Икромов районининг «оғзи ошга» етай деганда заргарлик заводи коллективи панд бериб қўйди. Январь—июнь ойларида 29 минг сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди (табиийки, бу район ҳам шунча маҳсулотни «ютқазди»), Сергели районида панд берган корхоналар анчагина: булар—Тошкент резина-техника заводи, «Ўзвторчермет» ишлаб чиқариш бирлашмаси, бинокорлик плиталари заводи, СССР транспорт-қурилиш министрлигига қарашли ремонт-механика заводи ва Сергели темирбетон конструкциялари заводидир.

Биз шартнома мажбуриятларини биринчи ярим йилликда бажара олмаган барча корхоналарни номма-ном санаб ўтирмадик. (Бу анчагина рўйхатни ташкил этган бўлур эди). Яхши отга бир қамчи, деганларидек, айрим корхоналар касрига бутун районнинг юзи ёруғ бўлолмаётгани, бу эса шаҳарнинг ёрқин истиқбол йўлига чиқиб олишига тўсқинлик қилаётганини таъкидламоқчимиз, холос. Шаҳар эса биринчи ярим йилликда улар касрига шартнома мажбуриятларида кўзда тутилганидан 31 миллион 205 минг сўмлик кам маҳсулотни ўз буюртмачиларига етказиб бера олмади. Биргина «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бунинг 11 миллион 621 минг сўмлигини, Тошкент тўқимачилик комбинати 3 миллион 200 минг сўмлигини, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2 миллион 32 минг сўмлигини ва ҳоказо етказиб бермадилар.

Нега шундай бўлди? Аввало, буни партия ташкилотларининг қайта қуриш тафаккурини ҳали идеологик жиҳатдан таъминлашга эриша олмаётгани, меҳнат коллективлари эса уларга ҳали янги шароитларда ишлашга ҳар томонлама ва сифатли тайёрланмагани, уларда ташкилотчилик ва снёсий ишлар янги савияга кўтарила олмаётгани, корхоналардаги мавжуд техника ва иқтисодий имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаётгани билан изоҳлаш мумкин, холос. Бўлмаса, шу йилнинг дастлабки биринчи кварталидаёқ янги шароитга—тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиб ишлаётган 71 та корхонадан 12 таси буюртмалар планини адо этмаганини қандай баҳолаш керак? Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишида бундай орқада қолишга энди қатъий чек қўйиш вақти келмадимикан?

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Ота касби

Ҳамшаҳримиз Ҳамид ака Рўзиматов ҳақида гапиришдан олдин, унинг ота-онаси ҳақида бироз тўхталмоқ даркор. Айтмоқчимизки, инсон учун дунёда ота-онадан азиз зот йўқ. Халқимиз удумда эзга танилган одамни «Отасига раҳмат» дея алқашади. Яхши фазилатларини «Отасидан ўтган-да» деб мақташади. Ҳикоямизни улуғ зотлардан бошласак, ҳурматли газетхон тўлиқроқ маълумотга эга бўлади, деган умиддамиз.

Рўзимат ота «Ташсельмаш» заводида анча йиллар меҳнат қилди. У қуйган металлардан ўнлаб техника ишлаб чиқарилди. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, деҳқон ишини енгиллаштиришда кўп хизмат қилди. Ота ўз касбидан фахрланарди. Бола-чақасига едираётган бир бурда нонни ҳалол топаётганидан завқланарди. Вақти келиб унинг авлоди бу ерда ишлаб кетишига ишонарди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Отахон тер тўккан коллективда ҳозир ўғли ва қариндошлари ишлашмоқда.

Ҳамид заводга илк бор келганида ёшгина йигитча эди. У пайтлари меҳнат шароити ҳозиргидек эмасди. Кўп юмушлар қўлда бажариларди. Шунга қарамай, одамлар ишдан қочишмасди. Ҳамма бир жону, бир тан эди.

Даставвал уни шогирдликка олишди. Кейин аста-секин ишчиликка ўтди. Кекса ишчилардан қунт билан ўрганди, тажриба орттирди. Ҳамид ака «Киши умр бўйи ўрганади» деган ақидага амал қилди. Заводга келганига қирқ йилдан ошибдики ҳамон изланади. Ёшларга ҳам шуни маслаҳат беради, «Изланган, ўрганган одам кам бўлмайди», — дейди.

— Корхона ўз уйимдек қадрдон бўлиб қолган, — дейди ветеран фрезерчи. — Бундай дейишимнинг сабаби, ота-онам шу ерда меҳнат қилишди. Мен ҳам заводга келиб кам бўлмадим.

Ҳа, моҳир ишчи ота йўлидан кетиб обрў-эътибор топди. У Халқлар дўстлиги ордени ва бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Унга эргашиб жиянлари — Саидакбар, Саидаҳмад ва Сандолим ҳам заводга келишди. Жисмоний ишга ўрганган киши ғайратли бўлади. Бир жойда тинч ўтирмайди. Бўлмаса фрезерчилик енгил иш эмас. Ҳамид ака зиммасида жамоат ишлари ҳам талайгина. Ҳаммасига улгуради. У цехком аъзоси сифатида ҳамкасбларининг ҳожатини чиқаради. Яна халқ контроли группасининг аъзоси, ишлаб-чиқаришда талабчан. Мақсад ҳаммаси яхши бўлсин, дейди.

Р. МУҲАМЕДОВ.

◉ СУРАТДА: Ҳамид Рўзиматов.

Т. Каримов фотоси.

Шифокорлар ҳиммати

«Тошкент оқшоми» газетасида ёритилган «Қишлоққа ёрдам: у қандай бўлиши керак!» сарлавҳали мақолани ўқиб қалбимда яхши туйғулар уйғонди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида 27 йил давомида ишлаб, ҳамкасбларим билан қишлоқ аҳли саломатлиги йўлида тинмай меҳнат қилиб келяпмиз.

Шуни айтиш керакки, қишлоққа ҳаммамиз ёрдам беришимиз керак, зотан қишлоқ бизни боқади, у ноз-неъмат, озиқ-овқат ва бойлик манбаи, қишлоқ саховатисиз яшаб бўлмайди. Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида кўтарилган табаррук ишдир. Шаҳарлик ҳар бир касб эгаси — ишчи ва хизматчилар, зиёлилар қишлоққа ёрдам қўлини чўзса, уларнинг меҳнат оғирини енгил қиламиз, турмуш фаровонлигини яхшилаган бўламиз. Дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаган бўламиз.

Бу йил бизнинг илмий-текшириш институтимиз республика агросаноат Давлат комитети билан колхозчи ва механизаторларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, шикастланишлардан сақлаш ва лозим бўлганда қишлоқ шароитида аҳолига медицина (травматологик ва ортопедик) ёрдами беришга аҳднома тузди. Биз белгиланган колхоз ва совхозларга чиқиб колхозчиларга яқиндан медицина ёрдами беришни планлаштирдик. Ҳозир дори-дармонлар, даволаш учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар тайёрланмоқда, бу иш асосан пахта йиғим-терими вақтида амалга оширилади. Шу кунларда шифокорларимиз Жиззах областидаги Кичанов ва Сирдарё областидаги «Малик» совхозида бўлиб колхозчилар иш шароити, медицина ёрдами кўрсатилиши, техника хавфсизлиги ҳоналари, машина ремонти устахоналари шароитларини ўрганишмоқда. Ҳозирда беморларни қишлоқ шароитида даволаш учун янги даволаш усуллари (магнит, ультратовуш) учун иншоотлар оляпмиз, қишлоқ шароитига мослаб институт ходимлари рационализаторлик таклифлари билан янги мосламалар жорий этишмоқда. Булар, албатта беморлар аҳволини яхшилашга ёрдам беради. Қишлоқ аҳолиси доимо соғлом бўлиши учун биз шифокорлар барча билим ва иқтидоримизни, куч-билимимизни сарф этамиз.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

АХБОРОТ

Янги маҳсулот

Тошкент атир-упалар фабрикаси коллективи «Нуюсдаг» янги одеколонини ҳамда болалар учун «Ягодка» тиш пастасини чиқара бошлади.

Шунингдек, фабрика коллективи «Ирида» атирининг дастлабки туркумини давлат қабули комиссияси диққатига ҳавола қилди.

Ускуна ўрнатилди

Чиройли ишланган металл тугмача либосинг кўркидир. Буни тайёрлашда ҳозирда автоматика воситалари ёрдамга келаяпти.

Экспериментал фурнитура-пластмасса заводида техника янгилигига катта эътибор берилмоқда. Яқинда корхонада замонавий янги ускуна ўрнатилди. Ускуна Германия Демократик Республикасидан келтирилган бўлиб, бу линиянинг ишга туширилиши билан корхонада йилига 50 миллион дона қўшимча тугма тайёрланади.

Фахрий унвон

Замонавий авиация техникасини ўзлаштиришдаги алоҳида хизматлари, учувчи кадрларни тарбиялаш ва ўқитишда юксак кўрсаткичларга эришганлиги ҳамда кўп йил аварияsиз учувчилик иши учун СССР Олий Совети Президиуми Владлен Александрович Цибульскинга (Тошкент шаҳри) «СССРда хизмат кўрсатган учувчи» фахрий унвони берди.

(ТАСС).

Меҳнат семестри—88

Студентлар ишлаб чиқаришда

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти студентларининг тўқимачилик комбинатида ҳар йили амалий практика ўтказиб, студент отрядларида мардонавор меҳнат қилиши яхши анъана тусини олган. Бу йил ҳам мазкур ўқув юртининг 204 нафар студенти комбинатнинг фабрикаларида, махсус отрядга уюшган ҳолда ишламоқда.

— Бу йилги меҳнат семестрида, — дея ҳикоя қилади институтнинг студент-ишлаб чиқариш отряди командири Ҳусан Аҳроров. — «Ёшлик», «Иқтисодчи—88», «Атлас» ва «Тўқимачи» деб номланган отрядларимизга жами 204 нафар йигит-қиз уюшган бўлиб, улар ўзлари танлаган соҳа бўйича амалий тажрибаларини янада бойитмоқдалар.

Корхонанинг етакчи ишлаб чиқаришларидан 1-йигирув-тўқув фабрикасида ишлаётган «Ёшлик» отрядини 36 йигит-қиз ташкил этади. Унинг командири фаол ва жамоатчи студентлардан бири — Б. Тошбоев. Отряднинг ўз олдига қўйган мақсади — фабрика коллективи ишига муносиб ҳисса қўшиш, улар оғирини енгил қилиш. Отряднинг Н. Яҳёев, Л. Мамадалиева, Э. Абдиева ва Д. Жалолов каби студентлари ҳозир фабриканинг арқоқ йигирув цехида ишлашмоқда.

Жами 60 кишидан иборат «Иқтисодчи—88» отряди эса ип-йигирув фабрикаси цехларида жавлон уриб меҳнат қилмоқда. Отрядга У. Султонхўжаев етакчилик қилади.

— Институтнинг жамоатчи студентларидан Ғ. Саидмуродов командир бўлган «Атлас» отряди составида 65 студент-ёш бор, — дейди комиссар А. Б. Колтунов. — Бу отряд комбинатнинг йирик ишлаб чиқаришларидан бири — 2-йигирув-тўқув фабрикасига бириктирилган. Отряднинг Н. Ураева, И. Бебутова каби йигирувчи қизлари ва Ш. Йигиталиев, М. Хайруллаев каби калаваловчи йигитларидан коллектив бениҳоя хурсанд. Улар ўзларига топширилган уснуналар «тили»ни пухта тушуниб олиб, уларни маҳорат билан бошқаришмоқда.

«Тўқимачи» отряди пардозлаш фабрикасида меҳнат қилмоқда. Айни кунларда мазкур фабрикада улкан реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Фабриканинг оқартириш бўлими бутунлай бузиб ташланиб, қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ҳозирда ишлаб турган цехларда ҳам иш унуми ва самараси сезилмаяпти. Отряднинг И. Дусяярова, М. Отаева, З. Исмоилова, П. Умарбекова каби қизлари ҳам ҳозирда фабриканинг оқартириш корпусида газлама қуритувчилик, сифат назоратчиси ва сортларга ажратувчи каби касбларда ишлашмоқда.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Об-ҳаво ва саломатлик

22 августдан 28 августгача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошларида Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ҳарорат бироз пасаяди. Айрим жойларда ғарбдан эсувчи шамол тезлиги секундига 15—17 метргача кучайиши мумкин. Шамолнинг кучайиши чанг-тўзонларга олиб келади. Ана шу кунларда ҳарорат кечаси 12—17, кундузи 26—31 даража атрофида бўлади.

Кейинчалик ҳаво очилиб кетади. Ҳарорат аста-секин кўтарилади. Кечаси 16—21, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқиндир.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳавонинг айниши, атмосфера босимининг ўзгариб туриши, ҳароратнинг пасайиб, шамол тезлигининг кучайиши об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга салбий реакция ўтказиши мумкин. Нафас олиш-ўпка системаси хасталиги, юракнинг ишемик хасталиги, қон томирлар ҳамда бош мия ва бўғинларнинг яллиғланиш хасталири, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиги бўлган беморларнинг аҳволи ёмонлашуви мумкин.

Об-ҳаво ноқулай келган кунларда юрак-қон томир хасталиклари бўлган беморлар профилактика мақсадида, даволовчи врачларнинг тавсияси билан артериал қон босимини ростловчи дори-дармонларни қабул қилишлари лозим.

Таянч-ҳаракат аппарати хасталиклари бўлган беморлар эса оғриқни қолдирувчи дориларни қабул қилишлари керак. Об-ҳаво очиқ кунларда уларга чиниқиш машқларини давом эттириш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш тавсия этилади.

БИЛДИРИШ

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси 1988 йил 26 август соат 11.00 да область партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) очилишини маълум қиламиз.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 9.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Одамлар ташвишида

Маҳмуд ака одати бўйича барвақт уйғониб бутун атрофга назар ташлайди. Кўм-кўк дов-дарахтларга суғланиб боқади. Тонгнинг мусаффо ҳавосидан баҳра олади. Нонушта қилиб, қадрдон ишхонаси — қайноқ меҳнат қучоғига йўл олади.

Совет Армияси сафларида хизмат бурчини адо этиб қайтгач, троллейбусчилик касбини эгаллади, меҳнат фаолияти даврида ҳамкасблар билан бирга аҳолига хизмат кўрсатишда жонбозлик кўрсата бошлади. Ишчилар ҳаёти билан қизиқадиган бўлди. Буни сезган электр транспортчилар уни касаба союз комитетига раис этиб сайладилар.

Мана 20 йилдирки, Маҳмуд Валиев 6 мингдан зиёд электр транспортчининг турмушини яхшилаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Электр транспортчиларининг намунали дам олишини ташкил этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Бир мисол. Ўтган йили ишлаб чиқариш илғорлари ва Улуғ Ватан уруши ветеранларидан 90 киши санаторий-курорт йўлланмаси билан саломатлигини тиклаб қайтди. 60 киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди, 30 киши турист йўлланмаси билан саёҳат қилди. 10 ишлаб чиқариш илғори ГДР, БХР, ЧССР бўйлаб сафарда бўлди.

М. Валиевнинг ташаббуси билан май ойидан бошлаб ҳар якшанба куни Сирдарё дам олиш зонасида оилавий дам олинмоқда. Ҳар йили «Ўзбекистон 25 йиллиги» пионер лагерида 600 ўғил ва қиз ёзги таътилни мароқли ўтказади.

Мусобақани ташкил этиш, беш йиллик план-мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш юзасидан трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси касаба союзи ташкилотлари иш олиб боришяпти. Касаба союз фаоллари ишга ижодий ёндошиш намунасини кўрсатишяпти, мусобақанинг ташаббускори бўлишяпти.

Ҳозирги долзарб — қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланиш, иқтисод ва тежамкорлик, аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиш, ремонт сифати ва самарадорлигини ошириш учун кураш кенг тус олди. М. Валиев етакчилигидаги касаба союз комитети фаолияти эса ишнинг ранг-баранг форма ва методларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Меҳнат коллективларида камчиликларга барҳам бериш, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришдек муҳим масалалар касаба союз ходимларининг диққат марказида турибди.

1987 йилда 42 миллион йўловчи манзили яқин қилиниб, 2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 160 тонна ёнилғи иқтисод қилинди. Бунинг устига ҳаракат мунтазамлиги 93—94 процентга кўтарилди. Электр транспортларнинг техник носозлиги бўйича депога қайтиб келиши 10, кадрлар қўнимсизлиги 0,5, прогулчилар 15 процент камайди. 265 та рационализаторлик таклифи ҳаётга тадбиқ этилиб, 194,4 минг сўм, 85 та янги техника жорий этилиб, 208 минг сўм соф фойда олинди.

Ишда камчиликлар ҳали бор, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси касаба союз комитетининг раиси М. Валиев.— Ўтган йили меҳнат интизомини бузувчи 142 киши қонунга биноан ишдан ҳайдади, 72 киши ҳушёрхона рўйхатига тушди. 14 киши жамоат тартибини бузди. Партия бюроларида 18, касаба союз комитетида 345, бригада советларида 519, ўтоқлик судида 71 кишининг ножўя иши муҳокама қилинди.

Энергия хўжалиги хизматида прогул кескин камайди. Вагон ремонти заводи 59, ремонт-қурилиш бошқармаси 38, аварияни қайта тиклаш хизмати 113 ишчи кунини йўқотди. 2-трамвай, «Красновосточное», 1 ва 2-троллейбус деполарида прогул 1987 йилга нисбатан камайиши меҳнат унумдорлигини ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Электр транспортчилари КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишга мақсадида социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга қарши курашда ўртоқлик судлари моддий ва маънавий таъсир ўтказиш усулларидан фойдаланмоқда.

Касаба союз комитетлари 1988 йил учун олинган план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга ёрдам берувчи конкрет ташкилий-техникавий тадбирларни ҳам амалга оширилишини назорат қилмоқда. М. Валиев ишда ҳамиша бош-қош. Ҳар бир депо ва хизмат бўлимларида касаба союз активи ёрдамида муносиб меҳнат кўрсаткичларига эришилмоқда. Бу йилги натижалар ҳам қувончли бўлиши кутилмоқда. Аҳолининг трамвай ва троллейбусга бўлган талабини қондириш мақсадида, ўн иккинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида пландан ташқари 4 миллион аҳоли манзилини яқин қилишга аҳд қилинди. Ҳаракат мунтазамлиги трамвайларда 89, троллейбусларда 94 процентга кўтарилади, кадрлар қўнимсизлиги 1 процентга камаяди. 7, 13, 26-трамвай, 5, 10, 14, 16, 18-троллейбус маршрутлари «Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» фахрли номини олиш учун ижодий изланади ва 364 та рационализаторлик таклифини ҳаётга тадбиқ этиб, 145 минг сўм фойда олишга эришилади.

...Маҳмуд ака ишдан қайтиб, уйда бироз дам олгач, маҳалла идорасига отланади. Хуштабиат бу одам 15 йилдирки, Октябрь районига қарашли «Обод» маҳалласи комитетининг раиси. У бошчилик қилаётган тўй комиссияси маросимлар намунали бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

«Меҳнатсиз соф ва қувноқ ҳаёт бўлиши мумкин эмас», деган эди А. П. Чехов. Буни биз М. Валиев меҳнат фаолияти тимсолида кўрдик. Маҳмуд ака бугунги кунда корхона юмушлари ва ташвиши билан яшамоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ҲУЖУМКОР ПРОПАГАНДА

Шарҳловчи минбари

Шартномаларга риоя этиш керак

Сарлавҳага чиқарилган бу сўзлар бизга узоқ ўтмишдан етиб келган. Римликлар халқаро ҳуқуқнинг қадимий принципларидан бирини шундай дейишган. У БМТ Уставида ҳам, халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилги Вена конференциясида ҳам мустаҳкамланган. Давлатлар ўртасида тузиладиган шартномаларга риоя этилмаса, унда халқаро муносабатларга ва бутун халқаро ҳамжамият турмушига зиён етади.

Афғон муаммоси ҳам ана шундай муаммолардан бири ҳисобланади. Афғонистон ва унинг теварагида ўнг мураккаб маҳаллий можаролардан бири вужудга келди. Унинг анс-садоси бу мамлакатдан жуда олис жойларда ҳам сезилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам Афғонистон бўйича Женева аҳдлашувларига эришилганини бутун жаҳон фавқулодда муҳим аҳамиятга молик воқеа деб қабул қилди. Женева аҳдлашувлари жаҳоннинг ана шу районида тинчлик сари йўл очди.

Мамлакатимизнинг сўзи билан иши бир. Совет қўшинларининг чекланган қисми Афғонистондан аниқ муддатда олиб чиқиб кетилмоқда. Афғонистон Республикаси мазмурлари эса мамлакатда миллий яраш йўлини изчиллик билан ўтказмоқдалар. 1978 йилдаги революцияга қадар яхши маълум бўлган сиёсатчи Муҳаммад Ҳасан Шарқ бошчилигидаги ҳукуматнинг тузилиши эса мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштиришнинг омили бўлди.

Афсуски бу Афғонистондаги аҳволнинг фақат бир томони, холос. Унинг иккинчи томони шундаки, қуролланган афғон оппозицияси мамлакатда нотинчликни кучайтиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлардан воз кечгани йўқ. Ансиниа террор ва ёвузликка зўр бермоқда.

«Хўш, Афғонистонда бирдарнушлик урушн давом этаётганлиги учун ким айбдор?» деган савол туғилади, албатта. Мамлакатда қон тўкилиши давом этаётганлигининг сабаби равшан, у ҳам бўлса, Ислом-обод ва Вашингтон тутган позициядир. Айни улар сурбетлик билан Женева битимларининг асосий қоидаларини топтаб, Покистонда уя қуриб олган қуролли оппозиция гуруҳларини қўллаб-қувватлашмоқда, уларнинг қўлига ажал уруғини тутмоқдалар. Афғон оппозицияси Пешоварда «ўтиш даври ҳукумати» деб аталган ҳукуматни тузганлиги Женева битимларининг яна бир карра жуда қўпол тарзда бузилишидир.

Афғон халқининг душманлари миллий яраш тарафдорларини қўрқитиш ва уларнинг иродасини букиш мақсадида миш-мишлардан ҳам тап тортмаяпти. Шу тариқа улар афиор омма фикрини чалғитиш ва заҳарлашга уринмоқдалар. Бемаънилик шу даражага бориб етдики, Кобул ва унинг даҳалари ўққа тутилишида афғон армияси ва совет ҳарбий қисмлари айбланмоқда. Афғонистон республикаси президенти Нажибулло таъкидлаганидек, бу бошдан-оёқ бўҳтон бўлиб, Кобул АҚШ, Англия, Миср ва Хитойда ишлаб чиқарилган ракеталар ва миномётлардан ўққа тутилмоқда. Кўрининб турибдики, миш-мишлар ҳам Женева битимларини барбод қилишга уринаётган кимсалар қўлида террорчилик қуролининг бир туридир. Покистон ва АҚШ аиз-идрок овозига қулоқ солиб, мустақил Афғонистоннинг ички ишларига аралашувларини тўхтатишлари лозим. Женева битимларига риоя этиш ва миллий яраш сиёсатини амалга оширишгина Афғонистонда орзиқиб кутилган тинчлик ўрнатилишини таъминлайди.

Алишер РУЗИЕВ.

Зайнаб Ал-БУХОРИЙ:

«Ирмоқ булоқдан сув ичади»



Ўзбекистон «Ватан» жамияти таклифига кўра Сурия Араб Республикасида яшовчи ватандошимиз Зайнаб Ал-Бухорий республикамизда, унинг пойтахти Тошкентда бир неча фурсат меҳмон бўлиб турди. Қуйида унинг Ўзбекистондан олган таассуротини жузъий қисқартириш билан сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

— Ҳар бир ирмоқ қанча сершув ва югурик бўлмасин, унинг ўз қайнар булоғи бўлади. У бу булоқдан қанча йироқлашмасин, барибир ана шу она булоқ билан муштарак ҳаёт кечиради. Дарҳақиқат, мен оиламизни ирмоққа муқояса қилсам, бизнинг она булоқ — Ўзбекистон билан ўртасидаги масофанинг узоқлигига қарамай, алоқаларимизнинг мустаҳкамлиги ва самимийлигини баён қилган бўламан. Чунончи, булоқсиз ирмоққа ҳаёт йўқ. Ирмоқ булоқдан сув ичади.

Ногаҳон тақдир қулиб боқиб, оиламизни оби ҳаёт билан суғорувчи она булоқни зиёрат қилиш менга насиб этди. «Ватан» жамияти лутфи ила она Ўзбекистон оғушида бўлдим. Отам умрининг сўнгги дақиқаларигача ҳаёл қилиб келган армон унинг фарзандлари тарафидан рўёдан ҳақиқатга айланадиган бўлди.

Апрель ойининг латиф кунларининг бирида Дамашқ тепасидан бир айланган тайёра (самолёт) бизни орзу-армонлар пойтахти сари элта бошлади. Ҳаёлан унинг кумушдек товланувчи қишини, турфа гулларга бурканган ям-яшил баҳорини, муссаффо осмонини кўз олдимга келтираман.

Москва. Шереметьево аэропорти. Дафъатан нигоҳимни мени кутгани Тошкентдан келган ўғлимнинг буғдойранг чеҳраси ўзига тортди. Ўғлим Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугаллаб, Ўзбекистон илмий текшириш институтларининг бирида стажёрлик муддатини ўтаётганлигидан фахру-ғурур ҳиссиётига кўмилдим. Ва бир пайтнинг ўзида сабру-бардошим тугаб, Ўзбекистон ва унинг пойтахти оғушига ошиқардим. Эртасига Москва —Тошкент ҳаво йўлини орзулар қанотида босиб ўтдим. Ва ниҳоят энтикиб, талпинган масканим остонасидаман. Ўзбекистон табиати каби қайноқ бахтиёр чеҳралардаги табассумдан ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Менинг истиқболимга чиққан меҳмоннавозлар лутфи карамидан йўл машаққатлари ҳам тезда унут бўлди. Мана, энди мен мўъжаз ватан — «Ўзбекистон» меҳмонхонасидаман.

Ушбу сатрларни битар эканман, беихтиёр ҳаёлимни «Ватан» жамиятида бўлиб ўтган суҳбат олиб кетади. Ахир, биз ватанидан айро тушган кишиларга она халқимизнинг меҳри ва муҳаббатидан тўлқинланмай бўладими?! Чунончи, «Ватан» жамияти раҳбар ва ходимларининг дўстона ва самимий сўзларидан сулҳпарвар, адолатпарвар, ғарибпарвар бутун бир халқнинг ғамхўрлигини туйдим. Ва бу суҳбатни алвон чечаклардан тўкилган азим гулчамбарларга ўхшатгим келади.

Сафаримнинг янги куни бошланди. Шаҳри азим Тошкентни зиёрат қилмоқдаман: унинг қадимий ва замонавий бинолариига мафтункор тикиламан. Санъат ва тарих музейларн, болалар боғчаси ва бадиий бюмлар фабрикаси, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини бирин-кетин томоша қиламан. Азамат халқнинг беназир ютуқларидан ақлим шошиб қолади. Дарҳақиқат, Тошкентнинг ўзи атлас либос кийган гўзал ўзбек қизи каби музайян ва мулавван. Унинг либосининг музайянлиги ёқутдек ёниб турган юлдузлардай алвон гуллар қадалган ямяшил боғларидан бўлса, мулавванлиги қирғоғидан тошаб деб турган феруза ранг анҳору кўлларидан, деб биламан. Ҳар оқшом гоҳ театр, гоҳ концертлар тинглаб, томоша қиламан. Айниқса, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига боқаману бу ерда турли миллатларга мансуб кишиларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлигини кўраман. Бу муаззам дўстлик нималарга қодир эканлиги кўз олдимдан ўта бошлайди. Дарҳол 1966 йилги Тошкент зилзиласи ва бугунги кунни муқояса қила бошлайман. Ўзбек гўзалининг ҳуснига путур етказган машъум зилзила зинҳор-безинҳор бўлмағандай. Фақатгина бу ердаги Совет Иттифоқи турли республикаларининг ўзига хос «имзоси»га кўзим тушгач, Ўрта Осиё гўзал малагининг ҳусни-жамоли ва қудратининг абадий эканлигига ҳеч қандай шубҳам қолмайди.

Билмадим, бахтли тасодифми, менинг сафарим икки улуғ байрам: меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май ва фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни —9 Май —тинчлик, ҳуррият, адолат, музаффарият, бирдамлик, тенглик сари, қуллиққа ва эксплуатацияга қарши башарият йўлини ёритувчи икки буюк машъалнинг ёрқин нурларига тўғри келди. Бу муносабатлар ила қўлларимни ҳавода силкитиб, қаҳрамон халқ — дастгоҳ ёнидаги ишчини ҳам, ўз ерида тер тўкаётган деҳқонни ҳам, ўз жабҳасида башарият душманларига қарши ҳушёр турган аскарни ҳам муборакбод этдим ва бугунги бахтли кун учун қон тўккан шаҳидлар хотираси олдида таъзимда бўлдим.

... Бу халқ қанчалар меҳмондўст ва саховатли?! Ўғлимнинг дўсти, дўстдан ҳам азизроқ, яқинроқ кишиси Исфандиёр (СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, ёзувчи — таржимон) оиласи билан бизни тоққа саёрага чорлади. Тошкент атрофидаги тоғлар гўзаллигини эшитганим учун дарҳол кўна қолдим. У ўз машинасида йўл-йўлакай Тошкент ва унинг халқи тарихини сўзлаб кетди. Дарҳақиқат, атроф чиндан ҳам гўзал эди. Исфандиёр ўзи яхши билган ҳар бир манзил билан боғлиқ эртак ва латифаларни айтиб борар, йўл узоқлиги ҳам сезилмасди. Машинамиз илон изидай айланма йўллардан юриб, каттакон сув омбори ёнидан ўтдик. Яна бир оз йўл юргач, Бурчмулла деган қишлоққа етдик. Бизнинг келишимизни кутган оила катта ҳовлига жойлашган экан. Оиланинг катта-кичик фарзандлари ҳаммалари бир-бири билан иноқ, содда, аҳил турмуш кечиришаркан. Турли мевалардан иборат боғ уларнинг манзили. Мен бу катта оила аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва эҳтиромга қойил қолдим. Уларнинг қиёфалари учрашувимизнинг илк лаҳзасидаёқ дилимга жо бўлиб, ҳанузгача кўз ўнгимдан кетмайди. Кеч оқшом улар билан хайрлашиб, яна Тошкентга йўл олдик. Чунки бу оқшом 1 Май байрами арафаси бўлиб, келгуси куни эрталабдан байрам намойишига даъват қилинган эдик. Шу муносабат билан яна байрам намойиши ҳақида икки оғиз сўз.

Эрта тонг В. И. Ленин номидаги бош майдон сари йўл олдик. Бир мунча фурсатдан сўнг байрам намойиши бошланди. Ажаб, кўз олдимда қизил алвонлардан иборат байроқлар ўрмони пайдо бўлди. Турли муассасалар вакиллари, ишчилар, талабалар, пионер ва ўқувчиларнинг чеҳраларида байрам шодиёнаси. Бу кўтаринки руҳ ҳуррият, тинчлик, ҳамкорликнинг самараси бўлиб, ичимдан яна шу халқни байрам билан табрикладим ва бу халқни зафар сари, бахт-саодат сари етаклаб бораётган, барча дунё мамлакатларига, намуна бўлгуси даражасига олиб келган сиёсий раҳбариятига омадлар тиладим.

... Бу бахтми ё шунчаки тасодифми?! Чамаси, менинг иқболим кулган кўринади. Отам вафотидан сўнг барча умидларим узилган Ўзбекистон билан, қондошларим билан топишдим. Менинг ҳаётимда янги қуёш кулиб боқиб, Тошкентдаги янги бир чароғон куним юз кўрсата бошлади. Бу — Х Халқаро Тошкент кинофестивалининг тонги эди. Чиндан ҳам ўзимни бахтли деб аташга ҳақлиман. Чунки менинг она юртга қилган сафарим улкан байрамлар, жорий анжуманларга тўғри келди. Бундан мен барча дўст ва қадрдон совет халқи каби дил-дилимдан қувоиаман. Бу кинофанжуман мазмуни жиҳатидан дунёнинг уч қитъа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, ирқчилик, худбинлик, фасод каби зулмат пардаси ортида ғафлат уйқусида ётганларга ҳуррият қуёшининг шуъласидан бобаҳра бўлишларида ўз ролини ўйнади. Киночиларнинг бу улкан анжумани рамзий маънода икки улуғ давлат — СССР ва АҚШ,, икки давлат раҳбари—М. С. Горбачев ва Р. Рейган учрашувларига дебоча бўлди.

Дарҳақиқат, жаҳон афкор оммасининг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб қилган бу учрашув дунёда қуролланиш пойгасининг жиловини қўлга олиб, осмонимизда уруш булутлари эмас, балки тинчлик кабутарлари чарх уришига имкон яратди. Оламдаги барча мамлакатлар, жумладан Сурия ҳам интизорлик билан кутгани каби бу мулоқат жаҳон тинчлик биносига яна бир муҳим пойдевор бўлди.

... Она Ўзбекистонга қилган сафарим ҳам охирламоқда. Ҳаёлан жонажон халқимни улкан дарахтга қиёс қила бошлайман. Хориждаги биз ўзбеклар оилалари эса, унинг кичик бир новдачаси. Лекин бу новдача она замин қаърига чуқур илдиз отган. Новда ва илдиз ўртасида боғловчи восита бу — хорижий ўзбеклар ҳар доим суяна оладиган, икки ўртада дўстлик ва ишонч ипларини мустаҳкамловчи «Ватан» жамиятидир.

Мен сафаримдан бемисл таассуротлар олдимки, унинг ҳар бир они қалбим қўрига кўмилди. Москва, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда менга самимий, беғараз кўрсатилган ёрдам учун изҳори дил қилмоққа тилим ожиз. Энг муҳими, сафарим давомида ўзбек халқининг кечаги ва бугунги куни билан яхшилаб танишдим. Ниятим Сурия, Иордания Арабистони ва Туркияда яшовчи ўзбек дугоналарим билан кўришганимда бу ердаги ҳақиқатни уларга тўлалигича ҳикоя қилиб бериш. Токи Ўзбекистон ҳақида улар эшитган ўринсиз гаплар ёлғон ва бўҳтондан иборат эканлигини, ўзбек халқи ўз иттифоқдош биродарлари орасида батамом эркин турмуш кўраётганлигини англаб етсинлар.

Арабчадан Аҳмаджон ЛУҚМОНОВ таржимаси.

⊙ СУРАТДА: Зайнаб Ал-Бухорий ва унинг Тошкентда таълим олган ўғли Жиҳод Ал-Бухорий.

АҚШда ошкоралик қандай?

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларда инсон ҳуқуқлари мавзуси кўпдан-кўп баҳсларга сабаб бўлаётир. Улар ҳозир ҳам давом этаяпти. Лекин мунозара оҳанги ўзгармоқда, борган сари ноконфронтация шаклида бораётир. Жумладан, Москвада гуманитар масалалар юзасидан бўлиб ўтган Совет-Америка «давра столи» натижалари ҳам бундан далолат бериб турибди.

Инсон ҳуқуқларини муҳокама қилишда олға қараб силжиш, муаммолар ўзининг ўткирлигини йўқотди, деган маънони англатмайди албатта. СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. П. Перфильев сўнгги брифинглардан бирида улардан бирига эътиборни қаратди. Гап АҚШ ҳукумати у ерда ишлаётган совет журналистларини камситишни давом эттираётганлиги тўғрисида бораётир. Бу уларга ўзларининг касбкор вазифаларини тўсиқларсиз бажаришларига имконият бермаётир.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йилнёқ АҚШда вакил этилган совет журналистларидан давлат департаменти матбуот бўлимида рухсатномани олиб қўйишди. Шу билан журналистларимизни АҚШнинг ташқи сиёсат маҳкамасининг босма материалларини олиш ҳуқуқидан маҳрум этишди. Иш қулгили аҳволгача бориб етди: қуролланган соқчилар совет мухбирларини брифинглар ўтадиган залга кузатиб борадилар.

Оқ уй ҳузурида совет журналистларини вакил қилиш муддати ўтиб кетганига қарамай ҳамон орқага чўзиб келинаётир. Натижада Совет Иттифоқидан бўлган кўпгина журналистлар миссия ўзига хос «иккинчи нав журналистлар» статусига эга бўлиб қолаётирлар. Совет журналистлари ғарблик ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ АҚШ маъмуриятининг юқори лавозимдаги вакилларидан интервью олишлари учун имкониятлари ғоят чекланган.

Шунингдек, ҳанузгача совет журналистларининг АҚШ бўйлаб сафар қилишларини чеклаб қўювчи ўзини оқламаган қоида мавжуд. Масалан, яқинда Сан-Диегода ўтган халқаро авиасалонга боришга ижозат этишмади. Ваҳоланки, ана шу кўргазмада СССР вакиллари расман қатнашишганди.

СССРда ошкоралик ва қайта қуриш даврида роли ўсиб бораётган совет журналистларининг вазифаси шундан иборатки, совет халқини америкаликлар турмуши, уларнинг мамлакати ва унинг снёсати билан имкони борича яхшироқ таништириб бориш, «душман образи»ни бартараф этишга кўмаклашиш, фойдали тажрибани алмашишдан иборат. Бунга совет журналистлари учун ғовлар яратаётган АҚШ ҳукуматининг ҳатти-ҳаракатлари тўсқинлик қилаяпти.

В. П. Перфильев таъкидлаб ўтганидек, совет томони мазкур муаммога жиддий эътибор бериди ва Қўшма Штатлардаги СССР мухбирларининг фаолиятини қийинлаштирадиган ўзини оқламаган чеклаб қўйишлар ҳамда камситишларнинг бекор қилинишига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ниятидадир.

АПН.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АБДУЛ ВАКИЛНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ХЕЛЬСИНКИ. Афғонистон теварагидаги вазиятни бартараф этишга ва миллий ярашга эришишга қаратилган Женева аҳдлашувларини тезроқ рўёбга чиқариш мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг бирдан-бир тўғри ва ишончли йўлидир. Норасмий визит билан Финляндияга келган Афғонистон ташқи ишлар министри Абдул Вакил журналистлар ҳузурида шу ҳақда гапирди.

Афғонистон ҳукумати, деди сўнгра министр, Афғонистон теварагидаги узоққа чўзилиб кетган ва хатарли регионал можарони тинч воситалар билан қисқа муддатда ҳал этишга қаратилган тадбирлар қабул қилди ва қабул қилмоқда. Коалицион ҳукумат тузилиб, унинг социал базаси тобора кенгайтирилади.

Бироқ Покистон Женева аҳдлашувларини бузиб, одамларнинг ватанига қайтишига тўсқинлик қилишни давом эттирмоқда, деди министр. Мазкур мамлакат маъмурлари афғон оппозициясининг қуролланган қисмларини ҳамон қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат билан таъминлаб турибди. Биз келгусида Афғонистон диёрида тинчликка эришиш мақсадида воситачиларнинг роли кучайтирилишга умид қиламиз.

Министр Ғарбдаги баъзи газеталарнинг совет қўшинлари Афғонистондан шиддатли жанглар билан олиб чиқиб кетилмоқда, деган уйдирмаларини рад этди. Совет қўшинларининг хатти-ҳаракати Женева аҳдлашувлари имзоланган пайтдан бошлаб ўзини-ўзи ҳимоя қилиш доирасидан четга чиқмаяпти, деб таъкидлади у.

Афғонистон раҳбарияти, деди А. Вакил, мазкур мамлакат президенти Зиёул Ҳақ фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан Покистон халқига таъзия билдиради.

Объективда—Чили

Лотин Америкаси қитъасидаги ана шу мамлакат халқи демократия учун, Пиночет хунтаси ҳукмронлигига қарши курашни давом эттирмоқда.

СУРАТДА: Чили хотин-қизларининг Сантьягода бўлиб ўтган намойиши қатнашчиларидан бирини қамоққа олиш.

ИТАЛИЯДА ЖИНОЯТЧИЛИК

Рим. Италияда 1988 йилда деярли 2 миллионта жиноят содир бўлди, бу эса 1986 йилдагига нисбатан тахминан учдан бир баравар кўп. Мамлакатда ўғрилик, талончилик, пул ундириш мақсадида одамларни ўғирлаш кўпаймоқда. Марказий статистика институти (ИСТАТ)нинг бу ерда эълон қилинган маълумотлари шундан далолат бермоқда.

Наркотикларни яширинча мамлакатга олиб келиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони фалокатли даражада тез кўпаймоқда. Ўтган йили полиция 22 мингта наркотиклар билан савдо қилиш ҳолларини фош қилган эди. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида юз бераётган ўлим ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан икки баравар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили корчалонларга миллиардлаб лира фойда келтираётган наркотик моддалар билан фойдали бизнес бутунлай мафия назорати остида амалга оширилмоқда.

ИСТАТ докладига мувофиқ, жиноятларнинг кўп қисми мамлакатнинг жанубий районларида юз бермоқда. Масалан, кампания автомашиналарни олиб қочиш ва контрабанда соҳасида биринчи ўринда турибди, халқаро юк ташийдиган машиналардан мол ўғирлашнинг кўп қисми Апулияда юз бермоқда. Италиянинг социал—иқтисодий жиҳатдан қолоқ жанубий қисми ташкилий жиноятлар маскани бўлиб турибди. Бу тасодиф эмас. Мамлакатдаги «ортиқча кишилар» 3 миллионлик армиясининг кўп қисми мана шу ерда жойлашган. Булар биринчи навбатда бирор иш топишдан умидини узган ёшлардир. Улар сицилия мафиясининг, неаполь каморрасининг, калабрия ндрангетасининг осонгина ўлжасига айланмоқда.

КАЛЕЙДОСКОП

РАД ЖАВОБИ БЕРИЛДИ

Данияликбир гуруҳ татуировкачилар (тери остига ранг киритиб нақш туширувчилар) ўзларини рассом сифатида тан олишларини, бошқа санъат арбоблари қаторн тегишли солиқ имтиёзларидан фойдаланишга рухсат беришларини талаб қилиб, судгача етиб бордилар. Аммо ишни кўриб чиққан Копенгаген суди сизларнинг «санъат асарларингизни» на музей, на хусусий коллекционер сотиб ололмайди, деган далилга асосланиб, бу талабларни рад этди.

ХУРАК ЎЗГАРМАЙ ҚОЛАВЕРДИ

ГФР шаҳарларидан бирида истиқомат қилувчи киши сичқон овлаш учун мўлжалланган жаҳондаги энг замонавий қопқонга патент олиш ниятида эканлигини эълон қилибди. Ундаги мосламаларнинг санаб адоғига етолмаймиз. Аммо ана шу техника мўъжизасига сичқонларни жалб қилувчи хўрак ўзгармай қолаверибди.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Қаҳрамон қалъа ҳимоячиси

ЯКШАНБА тонги оқаришига бир неча соатгина қолган. Ҳамма қатори Брест қалъаси хизматчилари ҳам ором оларди. Фақат наряддагиларгина ухламаган. Соқчилар ўз бурчларини ҳушёрлик билан адо этишади. Тун шундай сукунат ичидаки, «тик» этган товуш эшитилади. Бугун дам олиш куни. Аскарлар мириқиб дам олгач, туриб ювинишади, нонушта қилишади сўнгра тарқалишади: рухсат олганлар шаҳар айланишга, ҳамюртлар бир ерда тўпланиб ҳангомалашишга... Ухлаётган ҳам, кечани бедор ўтказаётган ҳам шундай орзулар билан тонгни қаршиларди. Бир соатдан кейин нималар бўлишини ҳеч ким тасаввурига сиғдиролмасди.

Кутилмаганда бомбаларнинг портлаши, тўпларнинг гумбурлаши, снарядларнинг чийиллаши борлиқни ларзага солди. Қалъани ўт олди. Ухлаб ётган йигитлар бир зум уйқусираб, каловланиб қолишди. «Нима бўляпти ўзи?».

— Рота, жанговар тревога!

Навбатчининг ўктам командаси ҳамманн сергаклантирди. Аскарлар кийинар-кийинмас қуролларини қўлга олиб ташқарига отилишди. 1941 йилнинг 22 июнь тонги ана шундай бошланди. Гитлерчилар Германияси Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирди.

Полк штаби олдида навбатчи офицер батальон ва роталар ҳаракатини бошқариб турарди. Шахсий состав казармалардан чиқиб кела бошлагач, тўппончасини ғилофдан чиқарди:

— Ўртоқлар, немис-фашист босқинчилари уруш бошлади. Ҳар бир дақиқа ғаним ат. Ватан учун олға-а!

Узбекистонлик сержант Маҳаммаджон Абдувалиев взводи жангчилари ҳам полкдошлари билан баравар кўтарилишди: «Урра...» Еру-кўкни чанг-тўзон, тутун қоплади. Сўнгги кунлардаги ваҳимали гаплар ҳақиқатга айланганди. Уруш қанчага чўзилишини ҳали ҳеч ким билмасди. Бу шум хабар бир неча соатдан кейин бутун мамлакатга тарқалади. Унгача эса у юзлаб асл фарзандларидан жудо бўлган бўлади.

Маҳаммаджон бошқалар каби нишонни аниқ кўрмасада, югуриб кетаётиб милтиғидан ўт очди. Саф эса тобора сийраклашиб борарди. Биринчи ҳамлага кўксини қалқон қилган баҳодирлар бирин-кетин мангуликка юз тутишарди. Танида жони борлар югурарди. Қалбида нафрат, кўзида ёш билан югурарди. Ҳозир ўзига ҳам ўқ тегишини, шаҳидлар қаторига қўшилишини ўйламасди. Ўйлашга фурсат йўқ эди. Йиллар ўтиб улар кўрсатган жасорат тилларда достон бўлади. Ҳозир бу ҳеч кимни қизиқтирмасди, Ватан учун жанг кетарди. Кўпчилик ринади». Пайтавасиз кийиб олган этигининг бир пойи отилиб кетибди. Бошини қўлига олди. Ярадор оҳиста инграр, кўзлари юмуқ эди. Шу чоқ унинг дунёга тўймаган кўзларидан сўнгги бор очилди, кимнидир қидирди, топмади. Охирида кўзлари ёшли сержантга қараб пичирлади: «Оғрияпти, ойижон...» Аскарнинг боши «шилқ» этиб тушди...

Ким билсин, ўша дамда қайтиб учрашмаслигинк ҳис этгандир. Кўнгли бузилди. Бироқ ўзини тутди. Тўппончали қўли билан қорайиб кетган пешонасидаги терни сидирди:

— Бора қол...

Маҳаммаджон группаси бир уринишдаёқ ҳалқани ёриб ўтди. Вақт ғаниматда юкларни от-улов, машиналарга ортиб фронт ичкарисига жўната бошлашди. Отишмалар овози тобора яқинлашиб келарди. Эрталаб соат тўққизда душман қалъани ўраб олди. Энди омборларни ортиқ ушлаб туриб бўлмасди. Устига-устак уларнинг ёнида ҳарбий объектлар бор. Фашистлар қўлига ҳеч нарса тушмаслиги керак. Йигитлар бирин-кетин ҳаммасини портлатиб юборишди.

Қалъа томон йўл тўсилганди. Бир-икки ҳаракат қилиб кўришди, бўлмади. Қалъада жон олиб, жон бераётган ватандошларини ташлаб кетишолмасди. Жангни шу ерда давом эттиришга, имкони бўлди дегунча полкдошларига қўшилиб олишга қарор қилишди. Қучлар тенг эмасди. Группа Жабинка станциясида жангни давом эттирди.

...Бизникилар ҳамон чекинишда давом этишарди. Аммо шаҳарларни, қишлоқларни шундай ташлаб чиқишмасди. Совет солдати ҳар соатда қаҳрамонлик намуналарини намойиш этарди. Азиз жонини арзонга топширмасди. Смоленск яқинида бизникилар яна бир тўсиққа дуч келишди. Кичик дарё устидаги кўприкда фашистлар туришарди. Қисм командири Абдувалиевни ҳузурига чақириб взводи билан аввал разведка қилишни, сўнгра қўққисдан ҳужум қилиб йўлни тозалашни буюрди. Взвод командири дурбин орқали кўприк атрофини кузатди. Бир неча мотоцикл ва автоматчилардан бошқа ҳеч ким кўринмади. «Нарироқда пистирмаси бўлсачи, — ўйлади сержант, — Майли, нима бўлганда ҳам сездирмай яқинлашиб уларни йўқ қиламиз. Кўприксиз ишимиз битмайди».

Босқинчилар қўққис ҳамлани кутишмаган чоғи ўзларини ўнглаб ололмай ер тишлашди. Қуршовдагиларга асосий кучларга кўшилиш учун йўл очилди.

Қаҳратон қиш келди. Москва мудофааси учун аёвсиз жанглар борарди. «Бир қадам ҳам чекинш йўқ, орқамизда Москва» деган шиор окопма-окоп оғиздан-оғизга ўтди. М. Абдувалиев афсонавий панфиловчи баҳодирлар қаторида пойтахтни ҳимоя қилишда яштирок этди. Бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди. 1943 йилда эса Коммунистик партия сафига ўтди. Хизматни оддий солдатликдан бошлаб катта лейтенант даражасига етди. 1939 йили армияга чақирилган ўзбек йигити етти йилгача гимнастёркани ечмади. Урушни Берлинда тугатгач, Украинада яна ўн йил қолди. Бу пайтда қардош республика бутунлай вайрон бўлган, ўғлонларининг асосий қисми Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлганди. Колхоз-совхозларда, саноат корхоналарида ишни юритиб юбориш асосан аёллар ва кексаларга қолганди. Маҳаммаджон ака қардошларни шундай ташлаб кетолмади.

Орадан ўн йил ўтгач — 1955 йили Ўзбекистонга қайтди. Турли вазифаларда ишлади. 1981 йилдан эса Тошкентда яшай бошлади.

Киши кексайган сайин ўтган кунларини эслар, қуролдошларини қўмсар экан. Қаҳрамон қалъа ҳимоячиси уйида тинч ўтиролмади. Полкдошларини излашга тушди. Улар ҳақида маълумотларни йиға бошлади. Тўпланганларини мақола қилиб шаҳар, область ва республика газеталарида эълон қилди. Бир взводда жанг қилган, қалъани ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлганн Авез Ниёзматовнинг туғилиб ўсган жойини топди. У асли Зоминдан экан. Идорама-идора қатнаб дўстининг хотирасини абадийлаштирди, у ерда ҳар йили мотокросс бўйича Авез Ниёзматов хотира соврини мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Инсон умр бўйи орзу билан яшайди, умр бўйи ўқиб-ўрганади. 1982 йилнинг ёзида Маҳаммаджон ака ҳужжатларини тўғрилаб Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига борди.

— Оббо отахон-ей, кулишди ёшлар. — Қариган чоғимда журналист бўламан, депсиз-да.

— Орзуга айб йўқ дейдилар. Ёзадиганларим жуда кўп. Урушда не-не ўртоқларимни йўқотдим. Ҳаммасини ёзишим керак.

Ҳаш-паш дегунча олти йил ҳам ўтиб кетибди. Собиқ студент бу йил дипломлй бўлди. Роппа-роса етмиш ёшда. Эҳтимол, у ўқиган йиллар республикамизда ёши ундан улуғ талаба бўлмагандир. «Ёш» кадрнинг ташвиши яна ҳам кўпайди. Лекин у бундан ранжимайди, қайтанга хурсанд. Ҳозир университетда ишлаяпти. Тез-тез Брестга боради, қуролдошлари қони тўкилган жойларни зиёрат қилади. Ўзи истиқомат қилаётган Киров районидаги мактабларнинг доимий ҳамда азиз меҳмони бўлиб туради. Маҳаммаджон ака бир суҳбатда айтгандилар. «Урушда не-не қадрдонлардан айрилдим. Уларнинг кўпи йигирмалар атрофида эди. Ҳалигача қабрлари қаердалиги номаълумлар бор. Ҳаммасини топишим керак. Номи унутилиб кетмасин. Мен бир ўзим учун эмас, кўплар номидан яшаяпман. Дўстларим руҳи менга куч бағишлайди. Ҳали кўп иш қилишим зарур...».

Шаҳримизнинг Ҳамза кўчасидаги 69-уйда афсонавий қалъа ҳимоячиси, табаррук отахон Маҳаммаджон ака Абдувалиев истиқомат қилади. Уни ёшу-қари бирдек ҳурмат қилади. Маросимлар-тўйлар ўсиз ўтмайди. У шундай тинниб-тинчимас инсон.

...Орадан қирқ етти йилдан зиёд вақт ўтди. Йиллар ўтгани сайин уруш бизданузоқлашмоқда. Аммо ота-боболаримиз кўрсатган жасоратлар асло унутилмайди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Кўнглимдаги гап

Бир шинам маскан бўлса...

Мамлакатимизда қайта қуриш ишлари авж олган бир пайтда — биз кўпгина жойларда катта ўзгаришлар бўлаётганлигини, партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини янада ошириш йўлида тинмай изланиш ва ҳаракатлар қилаётганлигини кўз ўнгимизда кўриб турибмиз. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларн ва қарорларн биз Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранларинн, Қаҳрамон оналарнинг юрак сўзларини айтишга имкон беради.

Бу ўринда биргина Тошкентимизнинг жамолини кечаги қиёфаси билан таққослаганда нечоғлик катта ўзгаришлар бўлганлигини қувонч билан айтмасдан иложи йўқ. Тошкентда жадал суръатлар билан янги-янги массивлар, микрорайонлар барпо этилмоқда. Илгари эски маҳаллаларда яшовчи аҳолининг аксарияти янги уйларга кўчиб ўтмоқдалар. Яқингинада тор ҳовлиларда ота-боболар, келинлар болаларн билан тиқилиб ўтирган ва ҳеч қандай қулайликка эга бўлмаган иўпгина оилалар янги уйларга кўчиб ўтиш муносабати билан уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида шинам ва қулай уй-квартираларга эга бўлдилар. Улар учун магазин, боғча ва поликлиникалар муҳайё.

Мана 2 йилдирки, бизлар ҳам Собир Раҳимов районда «Марказ —17/18» кварталнинг 34-уйида яшаб келмоқдамиз. Бу уйда 306 квартира, 1300 киши яшайди.

Бу уйда Улуғ Ватан урушн қатнашчиларн, нивалидлари, меҳнат ветеранлари, Қаҳрамон оналар, мактабгача ва мактаб ёшидагилар, турли миллат ва турли касб эгалари бир оила фарзандларидек яшаб келмоқдалар. Квартиралар шинам, қулай, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Ҳамма ўз хизматида. Ошқозидан қараганда ҳамма нарсалар жойидадек. Турли маҳаллалардан кўчиб келишга келдикку-я, лекин бир нарса етмаётганга ўхшайди. Ҳамма ўзи билан овора. Биз қариялар кечгача уйда ўтириб, зерикиб,юрагимиз қон бўлиб кетади.

Кечқурунларн подъезд олдидаги скамейкаларга сиғмай кетамиз. Бола-чақаларнинг тўполонидан бошимиз бироз айлангандек бўлади. Айниқса, куннинг иссиқ дамларида кечқурунларн ҳамма подъездларининг олдида аҳвол шундай. Тенгдошлар билан бир гаплашайлик десак, ўтириб суҳбат қилишга дурустроқ жой ҳам йўқ. Аксарият, бизнинг уймиз олдига қурилган кооператив уйда яшовчилар биз учун тегишли бўлган кичкина очиқ ернн турли-туман тўсиқлар, панжаралар билан ўраб, кичик-кичик бўлакчаларга бўлиб юборганлар, баъзилари эса бу жойлардан гараж ўрнида фойдаланмоқдалар. Болаларимиз учун ҳам катта ёшдагилар учун ҳам бир дақиқа дам олиш учун жой йўқ.

Биз, қариялар, меҳнат ветеранлари яна бир катта армон билан яшамоқдамиз. Кузатган бўлсангиз керак, ҳозирги массивларининг ичида кишилар билганларича турли ҳажмда тўйхона ва турли маросимлар учун шийпонлар, устн ёпиқ хоналар сотиб олганлар.

Шу ўринда шаҳарнинг мана шундай массивларидаги турар жой бинолаpини лойиҳаштирган меъморларимизга, қурувчиларимизга каттагина эътирозларимиз бор. Наҳотки, ўша мутасадди ташкилотлар халқ талаби ва эҳтиёжларини шу шароитлардан келиб чиқиб ҳисобга олмаса!!

Масаланинг иккинчи томони билан танишадиган бўлсак, қадимда маҳаллаларда клуб вазифасини ўтовчи чойхоналар зарурий ҳаётий эҳтиёж сифатида мавжуд эди.

Чойхона—одамлар чой ичиб дам оладиган жой бўлишидан ташқари, уларни уюштирадиган, биродарлаштирадиган, бир-бирига ҳамдард, ҳамнафас қилиб тарбиялайдиган, юксак ахлоқий принциплар тарғиб қилинадиган маскан бўлган. Чойхонани ўзига хос одобхона, тарбия ўчоғи дейиш мумкин.

Чойхоналар — меҳр-оқибат маскани, меҳмондўстлик, ширинсўзлик, дид ва фаросат тарбияси ўчоғи бўлган. Ҳаёт тажрибаси кўрсатдики, чойхонлар зарурдир, лекин ҳозирги давр талаблари билан қараганда улар кам ва юксак даражада эмас.

Чойхонаси йўқ маҳаллалар, кварталлар бизнинг назаримизда сансалорлик макони. Ҳамма ўз ҳолича. Болалар тарбияси ўз ҳолича. Бизнинг назаримизда оилаларнинг мустаҳкамлиги ва иноқлиги, кишиларнинг бир-бирига дўст ва биродар бўлишида — катта оила уйи — чойхона-клублар зарурдир.

Доншмандларимиз «Кишилар бир-бири билан мулоқотда фазилатли бўладилар» деганда мниг бор ҳақлаР. Бизнингча ана шу мулоқот маркази маҳаллв, уйлар ва кварталлар оралиғида жойлашган кичик-кичик чойхоналардир.

Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирлари амалга оширилаётган ҳозирги шароитда чойхоналарни одамларнинг нозик таъби ва дидига муносиб жиҳозлаш, ишчи ва хизматчиларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказадиган масканга айлантириш ниҳоятда зарурдир.

Бизнинг назаримизда тарбия ўчоғининг янги воситаси сифатида чойхоналардан умумли фойдаланиш вақти келди. Улар ёшларнинг юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турадиган дастлабки жамоат ячейкаси бўлишига мниг бор ишонамиз. Шу ўринда халқимизнинг «Отанг—маҳалла, онанг—маҳалла» деган ибратли мақоли ёдга тушади.

Халқнинг доимо гавжум бўлиб турадиган бундай табаррук масканларига эҳтиёж доимий, бизнан кейинги авлодлар ҳам бунга мурожат этишлари табиий.

Биз истиқомат қилаётган 34-уй ўзига хос катта бир оила, бир жамоа. Оила бўлгандан кейин, унинг оқсоқоллари, активлари бўлмоғи даркор. Шу катта оилада ўтадиган тўй ва маросимларнн бошқарувчи жамоатчилик асосида ишлайдиган фидойилар бўлиши керак. Албатта буларнн халқ сайлайди. Бу ҳам бўлар, лекин юқорида айтганимиздек, унинг ўз клуб—чойхонаси бўлмаса, булар ҳаммаси қоғоздаги гап бўлиб қолиши мумкин.

Биз истиқоматчилар мутасадди раҳбарлардан шаҳримизнинг бошқа массивларидагидек қулай хиёбон ва дам олиш боғчаларини яратиш учун имконият яратиб беришларини илтимос этамиз.

Ҳозир ошкоралик даври бўлгани ва халқнинг талаб ва эҳтиёжларн амалда ҳал этилиши учун кураш кетаётган бир даврда ҳеч бўлмаганда шийпон қуриб олиш учун жой ажратиб беришга кўмак сўраймиз Керак бўлса ўз кучимиз билан шинамгина—меъморий жиҳатдан ҳам бенуқсон шийпон қуриб олишга ҳаракат этамиз, токи бу маскан турли-туман тадбирлар ўтказиладиган ҳақиқий оромгоҳга айлансин.

А.ҚОДИРОВ, О.ОДИЛОВ, Р.ХАЙИТҚУЛОВ, С. СОДИҚОВ, Ю. ЕГОРОВ, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари.

А.ЭРГАШЕВА, А.АБДУЛЛАЕВ, Н.ЗАЙНИДДИНОВ, З.МИРСОДИҚОВ, Г.АЙТОХУНОВА, Р.УМАРОВА, А.САУТОВА, меҳнат ветеранлари.

С.МИРСОДИҚОВА, Р.ЗИГАНШИНА, Д.УСМАНОВА, М. НУЪМОНОВА, М. ТЎЙЧИЕВА, М.МАҲКАМОВА, М.ҚОБУЛОВА, кўп болали оналар.

Жонажон Ватан бўйлаб

⊙ Жданов (Донецк области). Бу ерда очилган геронтология марказн дастлабки беморларни қабул қилди. Уруш ва меҳнат ветеранларига мўлжалланган ва ҳозирча Донбассда ягона бўлган ана шу даволаш-соғломлаштириш муассасаси депутатларнинг ташаббуси билан бунёд этилди. Шифохона ҳар куни 120 кишига хизмат қилиши мумкин. Кексайганида ёлғиз қолган кишиларга бу ерда медицина ёрдами бериш билангина кифояланишаётгани йўқ. Инспекторларнинг сайёр бригадаси уйга озиқ-овқат етказиб беради, уй-жойни, рўзғор техникасини ремонт қилишда, қишга кўмир-ўтин гамлашда кўмаклашади. Ҳозир ана шу саноат шаҳрининг барча районларида депутатларнинг назоратида узоқ умр кўриш ва раҳм-шафқат марказлари очилмоқда.

⊙ Игналина (Литва ССР), Энергетиклар яшайдиган Снечкус шаҳарчасидаги ёшлар ётоқхоналаридан бирида жамоатчилик асосида ишлайдиган биринчи болалар боғчаси очилди. Бу ишга бош-қош бўлган шаҳар Советининг уй-жой-коммунал бўлими комсомоллари биринчи қаватдаги квартирани ётоқхона. га ва болалар ўйнайдиган хонага айлантирдилар. Шу ердаги болалар боғчалари ходимлари ўз ҳамкасбларига мебель ва ўйинчоқлар беришди. Улар жажжи болаларга нонушта, тушлнк. ни ҳам жўнатиб туришибди. Оналар эса ниш жойларидан уларга кўчма график асосида берилган бўш кунларда навбати билан болаларга қарамоқдалар. Методистлар ва педагоглар ҳам ота-оналарнинг ўзларидир. Участка врачлари болалар саломатлигини мунтазам кузатиб турадилар. Бу тажрибани болалар боғчаларида ўрин жуда таҳчил бўлиб турган Снечкус шаҳридаги бошқа ёшлар ётоқхоналари ва оилалар яшайдиган ётоқхоналарда ҳам кенг ёйиш назарда тутилмоқда.

●

Воронеж области. Областдаги энг йирик «Зареченский» мевачилик совхозининг коллективи қорағат тайёрлаш йилик планини бажарди.

СУРАТДА: «Зареченский» совхозида қорағатни механизмлар ёрдамида йиғиштириб олиш.

С. Губский фотоси. (ТАСС).

●

МОСКВА. Сокольникидаги кўргазмада 14 мамлакатнинг 140 фирмаси ва корхонаси автомобилсозлик соҳасидаги ютуқларни намойиш этяпти. Унинг экспонатлари—турли мақсадларга ихтисослашган замонавий автомобиллар бўлиб, уларнинг орасида ростмана кўчма технология комплекслари ҳам бор.

Экспозицияда чет эл фирмалари иштирокида ишлаб чиқарилаётган совет машиналари ҳам бор.

СУРАТДА: қудратли дизель двигателли «МАЗ» поезди. Унга «МАН» (ГФР) фирмасининг энг замонавий двигателлари ўрнатилади.

В. Сознов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Ҳурматли редакция! Болалар, ўсмирлар ва катталар ҳақидаги мақолам район, область газеталарида босилганидан кейин кўпчилик: таниган, танимаганлар ҳам ахлоқ-одоб мавзусида эшитган, кўрганларини менга келиб айтадиган, кўча-кўйда менга мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Таъсирчанлик азоб экан! Наҳотки ҳаёт шу даражада мураккаб бўлса! Шаҳар марказида, одам гавжум магазин олдида келофан халтада сувдан топилган чақалоқ ҳақида сўзлаб беришганидан бери хаёлим ўзимда эмас! Пиноҳона чақалоқ билан гаплашаман. Тунлари уйғониб кетаман! Қанийдн шунақа воқеалар бўлмаса, эшитмасам. Бугун мен сизларга ана шу мурғакнинг фарёди ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Автор

Турмуш чорраҳаларида

Халтадаги чақалоқ фарёди

Оқиб келаяпман. Катта ариқда. Қалқиб-қалқиб. Совуқлик вужудимни ўраган, устига-устак баъзилар эркалаб гапирадиган жажжи оёқчаларимни ҳам, жажжи қўлчаларимни ҳам қимирлата олмайман. Бошим сувга ботганида, нафасим бўғилганида, қулоқларимга, бурунларимга сув кирганида, бўйнимни бура олмайман. Талпиниб, юлқиниб юқорига чиқа олмайман. Чунки менинг вужудим иссиққина бешикда, беланчакда эмас ёки болалар каравотида эмас, совуқ плёнка халтага ўралган, ифлос сувда. Она кўксига зор лабларим, шошиб, ёмон боғланган плёнка халта оғзидан кираётган қиш чилласининг совуқ сувидан кўкарган. Мен ҳали ёмон сўзлар айтишни ўрганмаганман, фақат меҳрга зорман! Инсон меҳрига!!!

Майли, ариқ атрофида инсонлар йўқ экан, наҳотки мени бирорта ҳайвон ҳам сезмаяпти, жунлари ҳурпайган ит бўлса ҳам майлига, фақат мени барра вужудимни бу азоблардан халос этса бўлганийди. Ўлсам ҳам инсон боласидай қуруқликда, инсонлар кўзи олдида ўлай! Нозик кўкракчаларим кўтарилиб тушаётганида, охирги жоним кекирик билан чиқаётганида, одамлар кўзи ўнгида бўлсам бас!!! Охирги ингам, улар қулоғида қолсин, дейман! Қанчалик ёруғ дунёни кўришга шошилган эдим. Онамнинг беҳаё қилиқлари нафасимни бўғганида ҳам чидаганман. Қони орқали аччиқ ўткир ўт вужудимни қамраганида ҳам бардошим етди. У ичган дорилар менга кор қилмади. Фақат дунёга бола бўлиб туғилгим келди. Шу кунга ҳам етдим. Туғилдиму юлдузларга кўзим тушди. Улар ҳам менга ачингандек она осмон кўксида узоқ-узоқлардан жимирлашар эди.

— Ўлармидинг бирпас чидасанг, панагаям ўтолмадик, машинанням расво қилдинг, — отам овозини эшитдим беихтиёр.

У шартта киндигимни узиб тугди ва ижирғаниб қўлини латтага арта бошлади. Онам беҳол менга қаради, унинг кўзлари тўла ёш эди. Албатта мен ҳам ҳамма чақалоқлар сингари чирилладим ҳам бошладим. Ҳеч ким мени суймади. Оёқчаларимдан юқорига кўтариб, думбачаларимга шапатилашмадиям, оқ момиқ матога ўрамадиям. Менинг дунёга келишим отамни ҳам, онамни ҳам гарангситиб қўйган, улар бир нимадан чўчиган, қарахт эдилар.

Қўрқиб кетдим. Отам нимадандир ҳадиксирагандек аланглаб мени плёнка халтага тиқа бошлади.

— Нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз, мени абгор қилдингиз, — онам тескари қараб вайсарди.

Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам оғзидан бадбўй ҳид анқир, отамнинг кўзи ваҳшийлашган...

Йўқ! Йўқ! Йўқ!!!

Мени бундай ўлдира олмайдилар! Менга бундай ўлимни раво кўрганлар ҳеч қачон, бир дақиқа ҳам мендан қутулишолмайди. Мен қасос бўлиб уларга эргашаман. Бир умр вужудларини қийнайман, қалбларини ўртайман. Дераза-ларини ёмғир бўлиб чертаман, шамол бўлиб тунлари ухлатмайман. Болалари аксида намоён бўламан! Қариганида охирги дақиқаларида бошида сўроқ бўламан. Ҳа, ҳа, сўроқ бўламан!!! Бир дақиқалик ҳузурнинг азобини ўшанда сезсин! Наҳот ҳамма инсонлар шундай?! Ёки мен бола, фаросатим ҳали буларга етмаяптими?! Идрок қилолмаяпманми?! Бўлмаса нега ҳали жоним бор, ҳали қимирлаб ётибман, мана инсонлар кўзида, шоввада бир парча эт тиқилиб турибман, ҳамма ўтиб, қайтаяпти, лекин безътибор, кўзлари, хаёллари бошқа ёқда. Югуришган, шошилишган. Сўкинишган. Шовқин. Бир эшикка ҳамма интилган, томда ҳам икки-уч одам. Наҳот мени кўришмаяпти. Мана биттаси халтасидаги олмаларини шатирлатиб устимга тўкиб ўша ёққа югурди. Бир чўкиб яна чиқдим, энди одамлар менга аниқ кўринар, мен ҳам уларнинг кўзи ўнгида эдим. Иккитаси ариқ бўйига келиб ўтирди. Қултиллатиб бир нимани ичди. Яна бадбўй ҳид. Ёнимда ётган олмага қўл чўзиб, биттаси қотиб қолди.

— Чақалоқ,— секин пичирлади ёнидагиси.га.

Икковлашиб роса термулишди. Суюниб кетдим. Ҳозир, ҳозир чиқариб олишади. Иссиқ бир нимага ўрашади мени! Азоблардан қутуламан. Яхши одамлар ҳам бор экан-ку! Сесканиб кетишди-я! Ҳозир бақириб юборишади. Чидаша олмайди менинг бу ҳолимга! Аюҳаннос солиб мени бу кўйларга солганларни сўкишади ҳозир. Қидиришади, топишади! Мурғакка шу азоб даркормиди, деб ўкиришади, йиғлашади;

Қутулдим, ҳаммасидан қутулдим. Менга ҳам қўл чўзадиганлар бор экан-ку ахир!..

Амакижон! Қаёққа турдиларинг?! Нега мендан узоқлашяпсизлар?! Ким ҳаром! Мен чақалоқман! Баъзиларнинг орзуси, туну кун кутгани, йиллаб етолмаган нияти чақалоқман! Типирчилаётганимни сезмаяпсизлармн? Овозим чиқмаса нима қилай! Амакижон! Узоқлашманг мендан... Яна бу нимаси?! Бир уюм чиқит оқиб келмоқда. Энди қандай қиламан. Оғир азоб босаяпти мени. Оёқларим сим тўр исканжасида. Ўлаяпман! Лекин қандай, ўзим ҳам билмайман. Қоринчам шишди, бир оёғим узайиб кетди. Қандайдир темир кўкракчамга санчилмоқда, мана у бир латтани йиртгандек этимга кирди. Юрагим, юракчамни ярми юлинди. Мироб бобо наҳот сиз ҳам жаллодсиз!!!

Охирги жонимни йиғиб сал бўшаган қўлчаларим билан чангакка тармашаман. Қурашаман. Ҳа, ўзим учун, мендек сувга оқиб ўлаётганлар учун, чиқит қутиларига ташлаб кетилаётганлар учун, йўлларда, далаларда, дарахтлар остида, пана, пастқам жойларда туғилиб, ёруғ дунёга тўймай қўмилаётган болалар учун, она қорнидан эзиб туширилаётган, ошқовоқ уруғидек қириб ташланаётган вужудчалар ҳаққи қурашаман, ўч оламан! Ҳа, ҳа ўч оламан!!!

Бобожон, сиз нега йиғлаяпсиз!!! Наҳот менга ачинаётган бўлсангиз! Наҳот сиз одамларнинг охирги виждонлисисиз! Демак, бу дунёда бормиди ҳали сиздеклар?! Нега кеча тунда мени қутқармадингиз?! Нега чангак билан мени шу азоб-уқубатларга солганларни уриб ўлдирмадингиз?!

Бобожон! Раҳмат сизга! Инсондек яшаб ўтмадим. Лекин инсондек кўмилаяпман! Авлодларим қаторига келтирдингиз мени. Бу тўмпайган кичик тепача баъзиларга баъзи нарсаларни эслатармикан?!

Сиздан илтимос, чангагингиз билан бемаҳалда юрганларни уринг! Севгини хор қилаётганларни уринг! Бир лаҳзалик ҳузури учун жаллодликни касб қилаётганларни уринг! Аямаг уларни! Уларнинг бошларида ниқоблари, қўлларида болталари йўқ. Улар ҳам ҳамма қатори кийинишган, одамлардек кулишади, одамлар билан сўрашишади. Маъракаларга аралашишади. Байрамларни нишонлашади. Ўтиришдами, машинадами, кўчадами танишишади. Уёғи ўзингизга маълум. Оқибати менман!..

Мен азоб, мен уқубат, мен қасосман! Агар сиз у ҳайвонсифатларни қайтармасангиз, бу азобда кўпаяётган тепачалар бир кун тепа бўламиз.

Бобожон! Бу кунни кутманг, чунки сиз охирги одамсиз! Қайтаринг уларни! Қайтаринг! Қайтаринг!

Ҳали ҳам вақт бор. Ҳали ҳам кеч эмас. Айтинг уларга; эсини йиғсин! Инсон билан ҳайвонлик орасини бир қадам қилишмасин! Ҳа, бугунги кун одамлари, мен сизга саволман, савол!!! Бугунги кун кексалари, мен сизга саволман, савол! Бугунги кун ғўзаллари, мен сизга саволман, савол!

Ўйланг одамлар, ўйланг! Уволимиз тутмасдан ўйланг! Яқинларн доғида мозоратга келган яхшилар, бу армонли тепача олдида бир зум тўхтанг! Тин олинг, одамлар!!!

Она кўкрагидан бир паға оппоқ қултум сутга интиқ, армонда кетдим.

Умаржул ЭГАМОВ.

«Мактуб ўрнига қўшиқ»

Яқинда Совет матбуотида: машҳур экс-битлз Пол Маккартни ўзининг бўлажак пластинкасини Лондонда эмас, Лос-Анжелосда ҳам эмас, балки... Москвада чиқаришга аҳд қилганлиги ҳақида хабар пайдо бўлганди. Шоу-бизнесчилар орасида бу катта янгилик ҳисобланади. Бундан ташқари гап биринчи рақамли рок-юлдуз ва «Мелодия» совет фирмаси ҳақида бормоқда, қайсики фирма ҳали жаҳонда хонандачалик шуҳрат қозонмаган.

Рекламалар энди пайдо бўляпти-ю, премьера эса сентябрга мўлжалланган. Бундан ташқари Маккартни бу ишда биринчи эмас. Ундан номи унчалик машҳур бўлмаган юлдуз — Удо Линденберг ўзини кетади. У ҳеч қандай шов-шувсиз машҳур совет хонандаси Алла Пугачева билан ҳамкорликда «Мактуб ўрнига қўшиқлар» деб номланган альбом-пластинка ёздиришга улгурган. Москвадаги Марказий грампластинка уйида унинг расмий тақдимоти мўлжалланган.

Бу альбом-пластинка ўз мамлакатларида машҳур бўлган икки хонанданинг ҳамда грамзапис фирмаларининг ўзаро меҳнатлари маҳсулидир. 1987 йилнинг ёзида Удони қабул қилган вақтида Пугачева «Икковимиз пластинка чиқарсак чакки бўлмасди» деган сўзларини инобатга олмаганда бу икки хонанда альбом чиқариш арафасида ҳеч қандай рекламага берилишмаганди. Шунниси қизиқки, ўша вақтда Линденберг ҳам бу таклифга қарши эмасди. Мана бир йил ўтгач, биз бу гапларнинг бажарилишига ҳозирда айтилмаганлигининг шоҳиди бўляпмиз. Ярим миллион нусхада чиққан бу альбом-пластинка фақат СССРда сотишга мўлжалланган.

Пластинка машҳур бўлиши табиий. Биринчидан, бу альбом-пластинкани харид қилаётган мухлис Пугачева сўнгги йиллардаги энг яхши қўшиқларини худди шу пластинкага сақлаб қўйганлигини билади. Иккинчидан, Линденберг қўшиқларини инглиз тилида ижро этган. Маълумки, Совет Иттифоқидаги кўпчилик мухлислар немис тилида айтилган рок-қўшиқни қийинроқ тушунишади. Учинчидан, пластинка ёзувни жуда сифатли (уни мамлакатимизнинг энг яхши овоз режиссёрлари Ю. Богданов ва А. Кальяновлар ёзишган), пластинкадаги қўшиқлар ҳам жуда дид билан жойлаштирилган. Бироқ, албом керакли ахборот-реклама билан безатилмаган. Альбомнинг муқовасида фақат Линденбергнинг: «Салом, Алла! Нима бўлди? Мен Сизга қўнғироқ қилгандим, лекин ҳеч ким жавоб қилмади. Мактуб ҳам ёзмаяпсиз. Мана бу қўшиқларим — Сизга йўлланган мактубларим, деб ҳисоблайсиз. Агар малол келмаса — жавоб беринг», деган сўзлари ва альбомнинг орқа тарафида Алла Пугачеванинг: «Салом, Удо, бу мен. Сизнинг овозингизни эшитиб, қўшиғингизни тинглаяпман. Телефоним, кечирасиз, уни яна алмаштиришга тўғри келди. Ҳаётда ҳам ана шундай ўзгаришлар кўп. Ҳозир Сиз эшитадиган қўшиқларни мактубингизга жавобим деб биласиз. Менимча, бу мактублар асрлар оша ўз қадрини йўқотмаса керак» деган сўзлари битилган.

Матбуот конференциясида деб ёзади АПН мухбири И. Зайцев, — Алла Пугачева, шундай бўлдики, мен Удони Совет Иттифоқида, у эса мени — ГФР ва Швейцарияда таништирди, деди.

Эндиликда, бу «сирли» дўстлар бир янгилик қилишмоқчи. Пугачеванинг пластинкасини Гамбургда, Удонникини эса Москвада алоҳида шаклда чиқаришмоқчи. Ухлама, Маккартни!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САВДО –КЎРГАЗМАДА РИШТОННИНГ СОПОЛ БУЮМЛАРИ



САВДО-КЎРГАЗМА «ТАШХОЗТОРГ»НИНГ 25/4-МАГАЗИНИДА

(Навоий кўчаси, савдо расталари)

23—25 АВГУСТ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

УСТА КУЛОЛЛАР САВДО-КЎРГАЗМАГА ТУРЛИ-ТУМАН БУЮМЛАРНИ: ЧОЙНАКЛАР, ПИЁЛАЛАР, ЧОЙ ТЕРМАЛАРИ, КОСАЛАР, ҚАНТДОНЛАР, ЛАГАНЛАР, ГУЛДОНЛАР ВА ҲАТТО ҲАЙКАЛЧАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШГАН.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 7, 8, 15, 16-трамвайларнинг, 1, 4, 8-троллейбусларнинг «Марказий телеграф» бекати, метронинг «Пахтакор» станцияси.

«ТАШХОЗТОРГ».

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Омадингиз ёр бўлсин!



АГАР СИЗ «ТАШКУЛЬТТОРГ»нинг 6/1-«ФОТО ТОВАРЛАРИ» МАГАЗИНИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН КИМ ОШДИ САВДОСИГА ТАШРИФ БУЮРСАНГИЗ, ЎЗИНГИЗ МАЪҚУЛ ТОПГАН НАРХДА:

«ЗЕНИТ», «КИЕВ», «СОКОЛ» маркали фотоаппаратларни, «АВРОРА», «АЛЬФА», «КРАСНОГОРСК» кинокамераларини, «ВОЛНА» ва «РУСЬ» кино проекторларини;

мамлакатимизда ва чет эллардан ишлаб чиқарилган болалар ўйинчоқларини харид қилишингиз мумкин.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Таклиф этилаётган баҳо буюмлар дастлабки қийматининг 50 процентидан кам бўлмаслиги керак.

Магазин адреси: Навоий кўчаси, савдо расталари (бу ёрга метрода борса бўлади, «Пахтакор» ёки Алишер Навоий номли станцияларда чиқилади.).

Магазин соат 10 дан 18 гача ишлайди. Дам олиш куни — душанба.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

Сентябрь эса эшик қоқмоқда

ҲАДЕМАЙ ЮЗЛАБ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ ҲАЁТЛАРИДА БИРИНЧИ МАРТА МАКТАБГА ЙЎЛ ОЛАДИГАН КУН КИРИБ КЕЛАДИ.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ЎҚИШНИ ТЎЛА ШАЙ ҲОЛДА БОШЛАШИ УЧУН ҲОЗИРЛИК КЎРИШНИНГ ҲОЗИР АЙНИ ПАЙТИ.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

ўғил ва қиз БОЛАЛАР УЧУН МАКТАБ ФОРМАЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1-«КИЙИМ-КЕЧАКЛАР УЙИ» магазини — Ш. Руставели кўчаси, 13 (иш вақти — соат 10 дан 19 гача, дам олиш куни — якшанба);

28-магазин — Госпиталь бозорида (иш вақти — соат 10 дан 19 гача, дам олиш куни — якшанба);

36-магазин — Новомосковская кўчаси, 17 (иш вақти—соат 10 дан 19 гача, дам олиш куни — якшанба);

54-магазин — Луначарский маркази (иш вақти — соат 10 дан 20 гача, дам олиш куни — душанба).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».



МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 10 ДАН 18 ГАЧА

МАРКАЗИЙ БОЗОРДА

(Артиллерийская кўчаси)

СИЗ ЙИҒИЛИБ ҚОЛГАН БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

БАРЧА ТУРДАГИ ШИША ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бу ерга метрода келишингиз мумкин, «Космонавтлар проспекти» станциясида чиқасиз.

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Бу—қизиқ

Ҳақиқий италиялик!

Италиянинг йирик «Марканн Эриксон» реклама компанияси яқинда ёшлар орасида анкета тарқатди. Бу билан компания замонавий италиялик йигит-қизлар қандай эканлигини аниқламоқчи эди. Анкета жавобларининг баъзи натижаларн қуйидагича.

Замонавий ёш италиялик 60-йиллардаги тенгдошига нисбатан орзуга камроқ берилар экан. Реалист ҳисобланиб, кўпроқ ўз кучига ишонади. Шахсий манфаатини ўзгаларникидан устун қўяди. Йигирма ёшли йигит-қизлар 20 йил аввалги тенгдошларига нисбатан снёсат билан камроқ қизиқишади. Ҳаётда нима кераклигини аниқ билишади. Улардан 85 фонзи муваффақиятга эришиш истагида эканлигини очиқ-ойдин айтган.

Йигитларнинг 87 процента ва қизларнинг 69 процента никоҳсиз жинсий алоқада бўлишни ёқлаб фикр билдирган. Анкета эгаларининг деярли ҳаммаси ичкиликка ва кучли таъсир этувчи наркотик моддаларни истеъмол қилишга қарши овоз беришган. Ёшларнинг таъкидлашича, уларни истеъмол қилган киши соғлиғидан ва кўпгина керакли нарсалардан маҳрум бўлиши мумкин.

Ёшларнинг энг катта истаги—иш топиш. Ҳозирги вақтда 30 ёшгача бўлган 1,4 миллион йигит-қиз ишсиз. Анкета эгаларининг 71 процента зудлик билан иш билан таъминлашни талаб қилишган.

Италиялик ёшларнинг севимли машғулоти — музика тинглаш. Уларнинг кўпчилиги рок ва диского мойиллик билдиришган. Бу ерда қўшиқчи Клаудио Больонн, «Скандау баллет» ва «Европа» группалари машҳур. Шунисн диққатга сазоворки, жаҳон рок-музика юлдузлари иштирокидаги концерт лиқ тўлган стадионларда ўтказилади. Мамлакатда проигривателлар савдоси чаққон. Хусусан, кўпчилик италияликлар стереоқурилмаларга эга бўлишни биринчи навбатдаги вазифа, деб ҳисоблашади.

Сўров қилинганларнинг 33 процентида мотоцикл ёки мопед бор, яна шунча миқдордаги италиялик шахсий автомобилга эга, 10 процентн— компьютер, 7 процентн — видеомагнитофон эгаси.

Анкета эгаларининг тенг ярми, модага қараб эмас, ўз хоҳишларига қараб кийинар экан. Шу билан бирга уларнинг 40 процентн мода талабларига риоя қилишларини, уннинг нижиқликлари билан танишиб боришларини айтишган.

Шундай қилиб, ёш италиялик бугунги кунда кўпроқ шахсиятпараст бўлиб чиқмоқда. У орзу-умидларга эмас, ўз қобилиятига кўпроқ ишонади. «Бу маълумотлар чуқур ўйга толишга мажбур этади», —деб ёзади анкета саволжавобларини тўла ёритган «Мьюзик» журнали.

Менга ҳам ўргатинг, опажон...

Р. Альбеков фотоси.

Жамият ва қонун

ЎҒИРЛИКЛАР

Усмирлар ўсиб бораётган эҳтиёжларини турли йўллар билан қондиришади. Айримлари истакларини ота-оналари қондиришини кутишади, бошқалари меҳнат қилиб пул топишади, яна бошқалари енгил йўлларни излашади. Аммо сўнгги йўл эртами-кечми судланувчининг қора курсисига олиб келади.

● Уйга қайтган Л. Садриддинова ўз кўзларига ишонмай қолди. Магнитофон, 30 та кассета, 1870 сўм пул, кийим-кечаклар, 2 та калькулятор ғойиб бўлган эди. Милиция ходимларининг ҳаракати билан ана шу буюмларни 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ф. Муҳаммадқулов номаълум муддатга «қарзга» олганлиги аниқланди.

● Шу йил 27-мактабнинг 8-синфини тугатган А. Косогоров билан «Ташметрострой»нинг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармаси дурадгор-дастгоҳчиси О. Неклюдовнинг қилмишини соғ одам хаёлига ҳам келтирмайди. Улар тунда «Машраб ота» қабристони омборининг эшик қулфини бузиб, жами 190 сўмлик асбоб-ускуналар, газламалар ва кўрпачаларни ўғирлашган. Милиция қўлга туширгандан сўнг улар қилмишларини бўйинларига олдилар, ашёвий далиллар қайтарилди.

НАРКОТИК ЎСИМЛИКЛАР ЙЎҚОТИЛДИ

● Утказилган тадбирлар натижасида Заречная кўчасидаги бир қатор хонадонларда наркотик ўсимликлар етиштирилаётганлиги аниқланди. Кейинчалик улар йўқотилди. Масалан, С. Рудамонов истиқомат қилаётган 5-тор кўчадаги 27-уйда 90 туп наркотик ўсимлик топилди ва йўқотилди. Бундан ташқари топилган 500 граммча нашага ўхшаган кулранг-қўнғир модда мусодара қилинди.

● 3-тор кўчадаги 2-уйнинг томорқасига экилган 60 туп наркотик ўсимлик ҳам топилди. В. Хабибуллининнг афсуслланганига қарамай, милиция ходимлари оғу тайёрланадиган ана шу ўсимликларни йўқотишга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари шу хонадондан нашага ўхшайдиган модда ўроғлиқ иккита тугунча ҳам топилди.

● О. Калонова истиқомат қиладиган 3-тор кўчадаги 54-уйдан топилган, томорқада ўсиб ётган 75 туп наркотик ўсимлик йўқ қилинди.

Узбекистон ССР Жиноятлар кодексининг 217-моддасида наркотик моддалари бўлган тақиқланган ўсимликларни етиштириш беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши кўзда тутилганлигини ҳамшаҳарларимизга эслатамиз.

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

Милиция ходимлари Қорасув массивида Одесса шаҳридан келган М. Еньковни қўлга туширишди. Илгари судланган М. Еньковга Иттифоқимиз бўйича қидирув эълон қилинган эди. У билан бирга А. Қулиев ҳам ушланди. Уларнинг ёнидан шприц ва наркотик таблеткалар топиб олиндн.

Узингиз гувоҳ бўлган жиноятлар, уларни содир этган шахслар, шунингдек ўғирланган буюмларни сотиб олаётган ёки сотаётган кишилар, дом-дараксиз йўқолганлар ҳақидаги маълумотларни 02, 33-71-47, 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими иттифоқ-республика министрлигининг

ТОШКЕНТ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

кундузги ва сиртқи бўлимларга

ҚЎШИМЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Шаҳар электр транспорти эксплуатацияси, электр билан таъминлаш ва ремонт қисми.

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА 10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати: кундузги ва сиртқи бўлимларда — 1 ИЮЛУ 10 ОЙ.

Қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: МАТЕМАТИКА (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ишпо).

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади; Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 25-уй/4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 13; 16-троллейбуслар; 57; 58, 98, 67-автобусларнинг Киров боғи бекати). Телефон 55-59-47.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1988-1989 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ САВДО СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Барча **профилдаги озиқ-овқат** (саноат) **товарлари бўйича** юқори **малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.**

Бу группаларга 17 дан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1 йил.

Бу группаларни тугатганларга «КОНТРОЛЁР-КАССИР» ёки «СОТУВЧИ» малакаси берилади.

Шунингдек, озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли, 17 дан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқувчиларга ҳар ойда 32 сўм стипендия тўланади.

Бу группаларни тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ» малакаси берилади.

ШУНИНГДЕК, ДЕКОРАТОР-БЕЗАКЧИЛАР ГРУППАСИ БЎЛИБ, ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) **ТОВАРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.**

Кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Ўқиш муддати 2 йил.

БУ ГРУППАГА ТЎЛИҚ, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ВА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Республика ҳунар-техника билим юрти барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни шаҳар савдо бошқармаси ва область савдо бошқармасининг йўлланмаси билан қабул қилади.

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида, Тошкент Бош Универсал магазини — ГУМ да ва йирик УНИВЕРСАМ магазинларида ишлаб чиқариш таълими (практика)**ни ўтказадилар.**

Техника билим юртининг барча группаларига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см, катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси» бекати, 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати). Телефон. 75-35-86.

«Малика» таклиф қилади

24-26 АВГУСТ КУНЛАРИ «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

«МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТАДИ

Савдо-кўргазмага катталар ва болалар учун жун аралаш, пахта-лавсан ва полиэфир толали трикотаж буюмлар тақдим этилади.

Бу ердан сиз хотин-қизлар кўйлакларини, жемпер, эркаклар кўйлаклари, спорт костюмлари, ич кийимларни харид қилишингиз мумкин.

Магазин соат 9 дан 21 гача ишлайди.

ЧИЛОНЗОР МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VIIIда **«Сўнаётган юлдузлар»** (19.00), 24/VIII да **«Отасининг қизи»** (19.00).

Кино

22 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ КУЧИ» (17, 20.00); «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (17, 19.30).

Москва — «МЕНИНГ ГЎЗАЛ МАЛИКАМ» (20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (18.00); «ТАБИАТ ҚАРҒИШИ» (16, 20.00).

Чайка — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛЎЛИ ҚИЗ АЗА» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Восток — «ЛЎЛИ ҚИЗ АЗА» (16, 18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ЛЎЛИ ҚИЗ АЗА» (22.00); «СИРЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ» (22.00).

Дружба — «АЛВИДО, ЗА-МОСКВОРЕЦК БЕЗОРИСИ...» (тоқ соатларда); «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ» (17.00); «АЭРОПОРТДАГИ ВОҚЕА» (18.30, 21.00).

23 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ КУЧИ» (11, 14, 17, 20.00); «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (12, 14.30, 17, 19.30).

Москва — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (11, 13, 15.00); «МЕНИНГ ГЎЗАЛ МАЛИКАМ» (20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (10, 14, 18.00); ТАБИАТ ҚАРҒИШИ» (12, 16, 20.00).

Чайка — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛЎЛИ ҚИЗ АЗА» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Восток — «ЛЎЛИ ҚИЗ АЗА» (22.00); «СИРЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ» (22.00).

Дружба — «АЛВИДО, ЗА-МОСКВОРЕЦК БЕЗОРИСИ...» (тоқ соатларда); «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЁҲАТИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ» (11, 13, 15, 17.00); «АЭРОПОРТДАГИ ВОҚЕА» (18.30, 21.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. «ИНТЕРЦИРК-88» ГАСТРОЛЛАРИ (23, 24/VIII да 19.30).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

31 АВГУСТГАЧА

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТЛАРНИНГ БАРЧА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

Справкалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, 45-алоқа бўлими, Оборонная кўчаси, 1-уй, қабул коммиссияси. Телефон: 99-05-56.

. СССР Медицина ва микробиология саноати министрлигининг «Средазстроймонтаж» тресги коллективи трест бошқарувчиси

Шуҳрат Шукурович ИСЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети қошидаги аҳолига хизмат кўрсатиш бошқармаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1948 йилдан КПСС аъзоси, Меҳнат ветерани, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, собиқ бўлим бошлиғи

Саидмаҳмуд Ғуломович АКРОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 10915. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.50 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 2164. Тиражи — 108.220 Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.